

Автосервис корхоналарида енгил автомобилларни ювиш жараенининг ривожланиш истиқболлари

**Болиев М.Т (ТАЙИ Магистратура талабаси)
Илмий рахбар: доц. Мусаджонов М.З**

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг автомобиллар билан таъминлашининг тахлилига кўра 2014 йилда ҳар 1000 кишига 92.8 автомобил тўғри келади[1]. Бу эса йилдан йилга автомобилларга хизмат кўрсатиш станцияларига (АТХКС) бўлган талабни ошиб боришига олиб келади.

Ҳар бир АТХКСларда ювиш постлари мавжуд бўлиб, улар сервисга келган автомобилларни қабул қилишдан олдин ва мустақил фақат ювиш учун келган автомобилларга хизмат қилади.

АТХКСларда ювиш постлари тижорий , технологик ва аралаш бўлади. Кичик қувватли станцияларнинг ювиш постларидан асосан тадбиркорлик йўлида фойдаланилади.

Технологик ювиш постлари катта АТХКСларда фақат сервисга келган автомобилларга хизмат кўрсатади. Аралаш ювиш постлари ҳам АТХКСга келган автомобилларга ҳам фақат ювиш учун келган автомобилларга хизмат кўрсатади. Автомобилларни ювиш жараёни қўлда ва автоматик ҳолда бажарилиши мумкин.

Қўлда ювиш постида асосий агрегат юқори босимли аппарат (Karcher) ҳисобланади ва унда иситилган ёки иситилмаган сув ишлатилади.

Автомобилларни автоматик ювиш қурилмалари портал ва туннел хилларига бўлинади.

Портал ювиш қурилмаларида автомобил қўзғалмайди, портал автомобил бўйлаб ҳаракатланиб, уни чўтка билан ювади. Соатига 10...12 та автомобилни юваолади [2].

Туннелли ювиш қурилмаси қимматроқ аммо, унда соатига 40-50 та автомобил ювилиши мумкин. Унда автомобил транспортер ёрдамида ҳаракатланади ва қўзғалмас портал чўткалари томонидан ювилади. Туннел бўйлаб ғилдирак баландлигида маҳкамланган иккита горизонтал чўтка кузовнинг ифлосланган остки қисмини ва ғилдирак дискларини самарали ювиш имконини беради[2].

Бугунги кунда Республикамизда аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида автоматик ювиш қурилмалари ва янги технологиялар жорий қилинмоқда. Ҳозирги кунда шаҳримизда автомобилларни сонининг ошиши натижасда уларга хизмат кўрсатиш қисқа вақт ичида сифатли амалга оширилишига талаб ошиб бормоқда. Замонавий автоматик ювиш станцияларидан бири Метронинг “Тинчлик” бекати яқинида жойлашган “Евромойка” ювиш станцияси бўлиб, у тижорий ҳисобланади. Ушбу станцияда автомобилни



факат ташқи юзасини ювишга, 6 минут автомобилни тўлиқ ювиш учун, 20 минут вақт сарфланади. Бу ювиш станцияси Германияда ишлаб чиқарилган автомат чўткали ювиш жиҳози ва автомобил салонларини тозалаш учун ACUU- CLEANER (model: vakummer-2, Ser № HVKA 10003) номли чангютгич билан жиҳозланган. Хизмат кўрсатиш 24 соат бўлганлиги учун иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, ҳар бир сменада 4тадан, умумий 8та ишчи ишчи ишлайди.

Мижозларга қулайлик аратиш мақсадида станциянинг ўзида Кафе қурилган. Тошкент халқа йўлининг Иккинчи автосарой яқинида жойлашган туннел туридаги автомат қурилма 24 соат ишлайди ва автомобил ташқи юзасини 10 минутда ювади.

Янги технологияга асосланган контактсиз ювиш қурилмаси бизга энди кириб келмоқда. Бундай ювиш станцияларида автомобилларни ювиш қўйидаги технологик кетма-кетликда амалга оширилади:

- бошланғич ювиш учун кимевий модда (кўпик) паст босимда сепади. Бу вақтда автомобил кўпик билан қопланади. Бу кимевий модда (кўпик) автомобил юзасидаги кирларни енгил кўчишини таъминлайди.

- юқори босимда ювиш. Бу жараёнда сепаб қўйилган кўпик ювиб ташланади.

- юқори босимли сув билан автомобил ғилдираклари ювилади[3].

Бу жараёнлар ҳар бир автомобил учун ўртача 30 минут давом этади.

Бундай ювиш станцияларидан бири орсудаги кўп қаватли “AVTO PLAZA SERVIS” автомобил турар жойи ёнида жойлашган бўлиб, бу ювиш станцияси 3та ювиш постидан ташкил топган ва бир вақтда 3та автомобилга хизмат кўрсата олади. Мижозлар учун қулайликлар яратилган, ҳар бир ювиш пости 1та юқори босимли аппарат (karcher HD13/18-4S), кимевий моддани паст босимда сепаб берув аппарат (кўпик аппарати), автомобил салонларини тозалаш учун чанг ютгич (профессионал NT 48/1) жиҳозлари билан жиҳозланган. Автосервис корхоналарида енгил автомобилларни ювиш жараенининг ривожланиши учун автоматик ювиш қурилма ва янги технологиялар кенг қўлланилиши лозим.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Состояние и перспективы развития автомобильной промышленности Республики Узбекистан» Центр экономических исследований, 2013.
2. М.З. Мусажонов “Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш”(2-нашри)-Т.:А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутибхонаси нашриёти, 2011.-320б
- 3.Марков.О.Д “Станции технического обслуживания автомобилей”, - К.: Кондор, 2008-536с